O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310509

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 7-may • Payshanba • 54 (29.015) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона.

❖ Хорижликлар ҳавас қилаётган масканлар

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



Жомбой тумани ёшлари касб-ҳунар эгаллашларига қулай шароит яратиш мақсадида 2007 йилда енгил саноат касб-ҳунар коллежи ташкил этилиб, қисқа фурсатда муҳташам бино қуриб берилди. Унда 30 та ўқув хонаси, 2 та лингафон, 1 та компьютер хонаси, 2 та тикувчилик, 1 та тиббиёт хонаси, кенг спорт зали бўлиб, ҳовлисида спорт майдони барпо қилинди. Ахборот-ресурс маркази ўқув ва бадиий адабиётлар билан таъминланди, даврий газета-журналларга обуна бўлинди.

Ҳозирги кунда коллежда 53 нафар ўқитувчи-мураббий 9 йўналиш бўйича қабул қилинган 630 нафар талабага таълим-тарбия бераяпти.

Яқинда қўшни мамлакатдан хизмат тақозоси билан келган бир гуруҳ меҳмонлар бу кошонани кўриб лол қолишганини яширишмади.

Ҳа, юртимизда бунёд этилаётган янги коллеж, лицей, мактаб биноларига улар ҳавас қилишмоқда.

Суратларда: коллеж биноси ва талабалар ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.



ҚАРИЯЛАРНИНГ ХАУШИ УЛУШИ

Ҳукуматимиз уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёрдамга муҳтож қариялар, юз ёшдан ошган инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келади. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида 167 минг нафардан кўп нуроний истиқомат қилади. Уларнинг 483 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 6 минг 625 нафари фронт орқасида меҳнат қилган фахрий, 1 минг 694 нафари ёрдамга муҳтож қария, 61 нафари 100 ёшдан ошган кексалардир.

— «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда, аввало, аҳолининг ёши улуғ қатлами турмуш тарзи билан яқиндан танишаяпмиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси раиси Жалел Муятдинов. — Шаҳар ва туман бўлимлари орқали 894 нафар уруш ва меҳнат фахрийси, қаровчиси йўқ қариялар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга 1 миллион 100 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўз навбатида нуронийлар ҳам республика иқтисодиёти тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, «Нуроний» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари ҳар йили 1,5-2 гектар майдонга картошка, сабзавот экишмоқда ва мўл ҳосил олинмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эса Туркманбой Ўразбоев раҳбарлик қилаётган Амударё тумани «Нуроний» бўлими, Атамурат Даулетмуратов раҳбарлик қилаётган Нукус тумани «Нуроний» бўлими, Йўлдош Сотиболдиев раҳбарлик қилаётган Тўрткўл тумани «Нуроний» бўлими, Шариппбой Қаллибеков раҳбарлик қилаётган Қораўзак тумани «Нуроний» бўлими жамоаси картошка ва сабзавот экишни бошлаб юборишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ ЎзХДП ҳаёти

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН

етарли базага эгамиз. Буни жаҳоннинг кўплаб иқтисодчилари, олимлари ҳам эътироф этишмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий ташкилотида ўтказилган давра суҳбатини Наманган шаҳар партия кенгаши етакчиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Маматвали Турғунов ана шу фикр билан бошлади.

— Халқаро ҳамжамиятини ларзага келтирган жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтмаётгани табиий, — деди у. — Буни олдиндан кўра олган давлатимиз раҳбари ташаббуси билан молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини юмшатиш, молиявий-банк тизимига ёрдам кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгиланган. Уларда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигини янги босқичга кўтариш, ҳаёт даражасини оширишга эришиш режалари аниқ кўрсатилган.

Аммо давлатимиз етарли чора-тадбирларни белгилаб қўйган, деб хотиржамликка берилсак тўғри бўладими? Инқироз жаранёнидан мамлакатимизни беталафот олиб ўтиш ҳамамизнинг, ўзини шу жамиятнинг аъзоси, шу Ватаннинг фарзанди ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг бурчидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаси, унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия фаолларининг ўрни, маҳаллада амалга оширилаётган ободончилик ишлари, шунингдек, газ, сув таъминоти, йўллар таъмири билан боғлиқ ишларга давлат бюджетидан йўналтирилаётган маблағлар хусусида тўхталдилар.

— Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини ўқиган киши, назаримда, бу масалада ўзига керакли хулосаларни чиқариб олади, — деди партия фаоли, педагог Аҳмаджон Камолов. — Мазкур китобни ўқиб шу хулосага келдимки, биз аввало бир-биримизга, ислоҳотларда ҳозиргача эришилган самаралар ва яратилган имкониятларимиз мустаҳкамлигига, фаровон келажагимизга ишонишимиз, бу йўлда ўзига хос ташаббуслар билан чиқишимиз керак!

ЎзХДП Наманган вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Нигорахон Нуралиева, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Наимжон Раҳимов, «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти раиси Гулчеҳрахон Боқиева, ҲДПдан Наманган шаҳар Кенгаши депутати Тошхўжа Мақсудов, 59-умумтаълим мактаби директори Аҳмаджон Тожимирзаевлар ҳам мавзу доирасида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

✸ Ягонасан, муқаддас Ватан!

Сирожиддин САЙЙИД:

ЮРАКДАН ЯРАТИЛГАН АСАРКА ЕТИБ БОРАДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлодни комил шахслар этиб вояга етказиш, она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Ушбу танловнинг мазмун-моҳияти, ёш авлод тарбияси, маънавияти, дунёқарашидаги тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири **Сирожиддин САЙЙИД** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида инсон ўзлигини англагани, маънавияти шакллангани сари Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам улғая боришига эътибор қаратилган. Бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимизнинг яккаю ягона эканлиги, бу муқаддас замин фақат бизга аталгани боис шу азиз юртга эҳтиром туйғуси ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимизнинг мазмунига айланиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, азалдан ўзи туғилиб ўсган заминга ҳурмат ва эҳтиром, уни муқаддас билиш туйғуси халқимизга хос фазилатлардан саналади. Негаки, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Инсоннинг имон-эътиқоди, руҳияти, тафаккури, ҳаёти ва тақдири, ўсиб келаётган авлодлар келажаги ўзи туғилиб ўсган замин билан чамбарчас боғлиқдир.

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг маънавий меросида, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимизнинг асрлар оша бизга етиб келаётган асарларининг мазмун-моҳиятида ҳам айни шу эзгу ва улуғвор ғоялар мужассам экани фикримиз исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказишга оид қарорида Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳримизни изҳор қилиш, гўзал ўлкамиз мадҳини юксак пардаларда тараннум этиш, халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ҳам шундай олижаноб туйғуларни камол топтиришга доир кенг кўламли вазифалар белгилаб берилган. Ҳужжатда ўғил-қизлар қалбида юртпарварлик туйғусини қўшиқ орқали қарор топтириш, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш каби мақсадлар ўз ифодасини топган.

Зеро, мусиқа инсон қалби ва онгу шуури, руҳиятига, маънавий дунёсига ғоят ўзига хос тарзда таъсир этувчи қувватга эга катта кучдир. Айни пайтда мусиқа кишиларнинг энг эзгу орзу-умидлари, руҳий кечинмалари билан боғлиқ бўлиб, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган. Ёшларни жаҳон микёсида тобора кучайиб бораётган «оммавий маданият»дан ҳимоялашда, миллий табиатимиз, менталитетимизга ёт зарарли ғоялардан асраб-авайлашда, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, имон-эътиқоди бутун, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб қайтаришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

3-бет

Долзарб мавзу

• ЁПИҚ ҲАЛҚА

ёки аҳолининг коммунал хизматлардан қарздорлиги сабаблари ва оқибатлари хусусида

2-бет

✸ Шукроналик

• БУГУНГИ КУНЛАР ҚАДРИ

3-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Мулоҳаза

• МАКТАБ СПОРТ ЗАЛИ

ёки улардан фойдаланишнинг бугунги аҳволи ҳақида

4-бет

БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бўз туманида бундан икки йил аввал ташкил этилган «Холис-ҳамкортекс» масъулияти чекланган жамиятда трикотаж маҳсулотлари қийқимларини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бу билан 22 та янги ишчи ўрни яратилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратилгани боис ишларимиз бароридан келаяпти, — дейди бошқарувчи Толибжон Алихонов. — Бўш турган жойни обод қилиб, мўъжаз ишхона барпо этдик. Илгарилари бундай трикотаж қийқимлар чиқинди сифатида ташлаб юборилар эди. Бугун янги технологиялардан фойдаланиб, ундан маҳсулотлар тайёрлаяпмиз. Маҳсулотларимизга буюртмачилар кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

❖ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ҚУЙИ БЎҒИН МАСЪУЛИЯТИ



Термиз темир йўл масофа корхонаси ҳудудий партия ташкилоти раиси Ҳамро Раҳмонов ҳисобот-сайлов йиғилишида асосий эътиборни Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган йўналишлар ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳияти ҳамда партия фаолларининг бу борадаги вазифаларига қаратди.

— Дунёнинг барча мамлакатларини қамраб олаётган молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳаётимизга маълум маънода таъсири бор, — деди у. — Шунга қарамай, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, молия, банк-кредит тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлашига доир кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётимизни бир текис фаолият кўрсатишини таъминлашга муваффақ бўлаяпмиз.

Белгиланган тадбирларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Биз партия фаоллари бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатишимиз, мониторинг ишларини кучайтиришимиз лозим. Дастурнинг бажарилиши учун ҳар биримиз астойдил курашмоғимиз даркор.

Темир йўл тизимининг равнақи мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг қурилгани айни муддао бўлди. Бу эса иқтисодиётимизни юксалтиришда янги уфқларни очади.

«Аср қурилиши»да минглаб нияти улуғ, шижоатли ҳамюртларимиз ғайрат билан меҳнат қилишди. Бунёдкорлик ишларида партиямиз аъзолари ҳам фаол қатнашдилар. Сафдошларимиз — корхонамизнинг йўл устаси Мадамин Исмоилов ва корхонамиз раҳбари, шаҳар Кенгаши депутати Неъматилло Соатов «Шуҳрат» медали, Номоз Алладўстов эса «Фахрий темир йўлчи» мукофоти билан тақдирланди.

Йиғилиш иштирокчилари ўзларини ўйлантираётган масалалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Панжи ТАНГРИҚУЛОВ:

— Иш ҳақимизнинг 35 фоизи пластик карточкаларга ўтказилаяпти. Бу, албатта, давр талаби. Масала шундаки, уларни ишлатиш айрим ҳолларда бироз қийинчилик туғдирмоқда. Бевосита маҳаллаларда аҳолига арзон нархларда сотиладиган маҳсулотлар пластик карточкаларга берилмайди. Ахир, пластик карточкадаги пулни ҳам пешона тери эвазига топамиз-ку! Партиямиз кенгашлари, депутатларимиз бу муаммолар ечимини топишда кўмак берсалар яхши бўларди.

Фахриддин ХОЛМИРЗАЕВ:

— Йиғилишларимизда кўплаб партиясиз жамоадошларимиз ҳам иштирок этишмоқда. Уларнинг ХДП қандай партия деган саволига яна бир бор ойдинлик киритилди. Чунки партиянинг дастурий ғояларини амалга ошириш йўлларини муҳокама этдик, тегишли вазифаларни белгилаб олдик.

Шу ўринда бир фикрни айтмоқчиман. Биз бошланғич ташкилотга кичик бир уюшма сифатида қарашимиз керак эмас. Партиямиз ғояларини тарғибот этиш, дастурларини амалга оширишда қуйи бўғин катта аҳамиятга эга. Сафимиз кенгайиши, тарафдорларимиз кўпайиши бизнинг фаолиятимизга боғлиқ.

ЎзХДП Термиз шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Асқар Ғойипов фаоллар олдида турган бугунги вазифалар, шунингдек, ҳудудий ташкилот билан шаҳар партия Кенгаши депутатлик гуруҳининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳақида сўз юритди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✸ Партиядошлар хотираси

ЖОНКУЯР ИНСОН ЭДИ



Бутун умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган, таълим соҳасида меҳнат қилиб элда ном чиқарган ажойиб инсон, устоз муаллим, фаол партиядошимиз Зарифбой Қўчқоров бугун орамизда йўқ. У олтмиш уч ёшида ҳам тетик, ҳар соҳада фаол эди...

Меҳнат фаолиятини бундан қирқ икки йил муқаддам Хоразм педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлаган ёш муаллим ўзининг янгиликка ўчлиги, ишлаб толмаслиги билан тезда назарга тушди. Орадан ўн йил ўтиб, Урганч педагогика билим юрти директорлигига тайинланди. Вилоят халқ таълими тизимида фаолият кўрсатди. 1993 йилдан умрининг охирига қадар Хива педагогика коллежи раҳбари лавозимида ишлади.

Моҳир педагог, изланувчан раҳбарнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларини ҳаётга татбиқ этиш, «Миллий истиқлол ғояси» фанини ўрганиш бўйича тўплаган бой тажрибаси республикадаги кўпгина ўқув даргоҳлари таълим жараёнига татбиқ қилинди. У таълим тизимидаги ислоҳотлар соҳасида тўртта китоб, ўндан ортиқ услубий қўлланма муаллифидир.

Устознинг ижтимоий-сиёсий фаолияти истиқлолдан кейин, айниқса, такомиллашиб, ривожланиб борди. Партиямизнинг жонкуяр тарғиботчиси тажрибаси, эл орасидаги ҳурмат-эътибори билан партиядошлар фахрига, том маънода етакчисига айланди. Бир неча чақириқ маҳаллий Кенгашлар депутати сифатида ўз сайловчилари ишончини қозонди.

— Зарифбой ака партиямизнинг вилоятдаги етакчиларидан бири эди, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Райимберган Сабуров. — Партиянинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари сифатидаги фаолияти, партия ғояси, мақсад-вазифаларини амалга оширишга қаратилган барча тадбирларда фаол иштироки, ўз фикрларини дадил билдириши, ташаббускорлиги ва жонкуярлиги туфайли барчамизнинг ҳурматимизни қозонганди. Бир неча долзарб ижтимоий масалаларни вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқди. Бундай ишлари билан у электоратимизнинг ҳам меҳрига сазовор бўлган эди. Унинг ёркин хотираси, фазилатлари ва эзгу ишлари ҳамиша қалбимизда яшайди.

Зарифбой Қўчқоров тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, Ватанига, элига хизмат қиладиган кишилар қилиб вояга етказди. 12 нафар набираси ҳам боболари изидан юриб, юрт учун керакли, фидойи инсон бўлиб етишмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Собир Раҳимов туманида жойлашган 3-автобус саройи 16 йўналиш бўйича Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига сифатли транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда. 133 та автобус ҳар куни минглаб одамларни ўз манзилига етказади. Жамоанинг аҳиллиги, ҳар бир ишчи-хизматчи ўз вазифасини сидқидилдан бажариши йўловчиларнинг мамнуниятидан шундоқ сезилиб туради.

— 2008 йил давомида 30 та ўзимизда ишлаб чиқарилган «Исузу» русумли автобус лизингга олинди — дейди корхона раҳбари Мирёқуб Пўлатов. — Шунингдек, 26 та «Мерседес-бенц» автобусининг охирги авлоди олиб келинди. Натижада 100, 118-автобус йўналишлари Чилонзор буюм бозоригача, 14-автобус йўналиши Олий бозоридан Паркент бозоригача узайтирилди. Эндиги асосий вазифамиз ҳайдовчи ва чиптачиларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратишдан иборат.

Жамоада ЎзХДП бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. Унинг сафига 24 нафар аъзо бирлашган. Куни кеча бўлиб ўтган мазкур қуйи бўғиннинг ҳисобот сайлов йиғилишида бошланғич ташкилот фаолияти муҳокама этилди.

— Партиянинг дастурий вазифаларини ўз фаолиятимиз билан ҳамоҳанг адо этиб борамиз, — деди бошланғич ташкилот раиси Тоҳиржон Носиров ўз ҳисоботида. — Янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига БПТ алоҳида эътибор қаратди. Ишчи-хизматчиларга ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилиши, уларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш масалалари ҳар доим фаоллар эътиборида. Умуман партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга интилиш фаолларни бирлаштирувчи кучга айланди. Ишчи-ходимларнинг сиёсий билими ва тафаккурини ошириш учун ўқув дастури ишлаб чиқилган. Уларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози масалалари, диний экстремизм, одам савдосига қарши кураш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда бошланғич ташкилот фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари, ижтимоий масалалар муҳокама қилинди. Навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Аъзоларнинг ишончи, қўллаб-қувватлаши асосида ташкилот раиси қайта сайланди.

Камолиддин АКРОМОВ,
ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши раиси.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

✓ Давра суҳбати

ОНГ ВА ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА

замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг аҳамияти

Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ёшларнинг онг ва тафаккурини шакллантиришда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг аҳамияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси мутасаддилари, ОАВ ходимлари ҳамда талабалар иштирок этишди.

Давра суҳбатида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада яхшилашда, миллий истиқлол ғоясини халқимизга, ёшларимизга тўлақонли етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Ҳозир воҳада 32 та босма оммавий ахборот воситаси, 2 та радиоканал, 6 та телевидение фаолият кўрсатмоқда, — дейди Сурхондарё вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Ўрол Олтибоев. — Уларни замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан таъминлашда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йил вилоят телерадиокомпанияси Германиянинг «Сименс» компаниясининг ускуналари билан жиҳозланди. «Сурхон тонги» газетаси инновацион бизнес лойиҳа доирасида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан бевосита ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур лойиҳа асосида таҳририятнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланди.

— Сурхон воҳаси ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом Исо Термизий, Сўфи Оллоёр каби улуғ инсонлар юрти бўлган, — дейди Термиз Археология музейи директори Исмоил Ботиров. — Аждодларимиз қолдирган меросни ўрганиш албатта ёшлар маънавиятини юксалтиради. Марказий Осиёда ягона бўлган, Президентимиз ташаббуслари билан 2002 йилда фойдаланишга топширилган музейимизда 55 мингдан ортиқ осори-атиқа, ноёб экспонатлар сақланмоқда. Шунингдек, вилоятимизда 360 дан зиёд ёдгорлик мавжуд. Бу маданий бойликларимиз тўғрисидаги маълумотларни замонавий ахборот ва коммуникация технологияларига жойлаштириш ҳам ёшларнинг онг ва тафаккурини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Очиқ ва баҳс-мунозара руҳида ўтган давра суҳбати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

! Долзарб мавзу

ЁПИҚ ҲАЛҚА

ёки аҳолининг коммунал хизматлардан қарздорлиги сабаблари ва оқибатлари хусусида

Хонадонимизда фойдаланилган электр қуввати ҳақини тўлаш учун шаҳар электр тармоқлари идорасида навбатда турар эканман, мендан олдинги мижоз билан суҳбат эътиборимни тортди.

— Олдиндан 21 минг сўм тўловингиз бор экан ҳали, — деди оператор компьютердаги рақамларга кўз югуртирар экан.

Мижоз — истаралигина кекса аёл яна ўттиз минг сўмга квитанция ёзиб беришни сўради.

Демак, онахон ҳаммаси бўлиб эллик минг сўмдан ошиқ олдиндан тўлаб қўяр экан, — хаёлимдан ўтказдим. Кейин, айнан шу мавзу бўйича журналистик таҳлиллар қилаётганим сабабли, уни суҳбатга чорладим.

— Яна бир марта овора бўлиб келмаслик учун қўшимча тўлаб кетаяпман, холос, — деди онахон жилмайиб. — Қолаверса, бўйнимда қарз бўлишини истамайман...

Қанийди ҳамма ҳам шундай ўйласа. Афсуски...

Мутасадди ташкилотлар вакиллари берган маълумотга кўра — шу йил апрель ойи ҳолатига пойтахт аҳолисининг турли хизматлардан қарзи салкам 58 миллиард сўмни ташкил этади.

— Турли коммунал хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, хизмат сифатини янада яхшилаш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш асосий вазифамиз ҳисобланади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош ҳисобчиси Акром Расулхўжаев. — Бугунги кунда муддати ўтган дебитор қарзлари бўлмаган биронта коммунал хизмат ташкилоти йўқ. Бирлашмамиз ва ташкилотлар назоратчилари, ҳуқуқий бўлим ходимлари қарзларни ундириш, катта миқдордаги қарздорларни судга бериш, суд қарорлари ижросини кузатиш каби масалалар билан мунтазам шуғулланишади, тўловларни ундириш борасида мониторинг ўтказишади.

Бу эса тўловларни ундиришда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаяпти. Бундан уч-тўрт йил олдин кўрсатилган хизмат ҳақининг 30-40 фоизигина муддатида ундирилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 85-95 фоизга кўтарилган. Аммо қарздорлик барибир бор. Демак, бу ҳолат эътиборни, таҳлил ва ечимини кутаяпти.

Акром Расулхўжаев қарздорлар билан ишлаш тажрибасидан келиб чиқиб, уларни бир неча тоифага ажратади.

Ўзи фойдаланган хизмат ҳақини тўлашни истамайдиганлар (иложи бўлса бу тоифадаги мижозлар хизматдан ноқонуний фойдаланади, ўғирлик қилади), тўлов учун вақт тополмайдиганлар ва тўлов имконияти чекланган истеъмолчилар.

Айни кунда пойтахтда турли банкларнинг 800 дан зиёд сайёр кассаси ишлаяпти. Бундай кассалар кўп қаватли уйлар олдига тўхташи билан тўловларни амалга ошириш учун тезда кўчма касса олдига келадиган мижозлар анча-мунча топилади. Тўлов имконияти чекланган кишиларга ҳам гоҳ маҳалла, гоҳ ҳомийлар кўмак берадилар. Энг қийини — ўзи тўкис яшаса-да, хизмат ҳақини тўламаслик йўлини излайдиган истеъмолчилардир. Катта-катта ҳашамдор хоналарни иситиш учун анчагина иссиқлик қуввати ёки газ керак бўлади, қўша-қўша маиший электр асбоблари ҳазилакам электр қувватини тортмайди. Хуллас, тўлашни истамайдиганлар учун энг аввало, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўзи таъсир чораларини қўллай бошлайди. Қарздорлиги ошган мижознинг хонадонига электр қуввати ёки газ етказиб бериш тўхтатилади. Ана шундан сўнг эса истеъмолчи ҳаракатга тушиб қолади. Бир неча кун ичидаёқ қарзини тўлаб, «кесиб қўйилган» хизматни қайта улаш учун тегишли идорага мурожаат қилади.

— Ҳатто махсус гуруҳимиз керакли асбоб-ускуналар билан қарздор хонадонга газ қувурини қирқиш учун келиши билан хонадон эгалари дарҳол қарзини тўлайдиган ҳоллар жуда кўп бўлади, — дейди «Тошгазтаъминот» корхонаси ҳуқуқшуноси Шавкат Исаев. — Чунки, улар қарзига қўшиб қувурни кесиш ва улаш харажатларини ҳам тўлашни асло истамайдилар.

Айрим хизматларни тўхтатиб қўйиш унчалик муаммо эмас. Масалан, ой охирида телефон боғламаларидаги кассалар олдидаги навбатни кузатган бўлсангиз керак. Бу табиий — бир ойлик хизмат ҳақини ундириш учун қарздор абонентларнинг телефони ёппасига ўчирилади. Кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган, оғиримизни енгил қилаётган телефонсиз бир кун ҳам яшолмаймиз-да. Энди тасаввур қилинг, ҳаётимизда телефондан ҳам муҳим ўрин тутадиган электр, сув ёки газ бўлмаса-чи?! Агар улар ҳам худди телефон алоқаси каби ҳеч қандай муаммосиз «ўчириб» қўйилса, қарздорлик умуман бўлмасмиди? Ҳатто шундай хизматлар борки, қарздор истеъмолчига хизматни тўхтатиб қўйишнинг умуман иложи йўқ.

Масалан, кўп қаватли уйлардаги қарздор хонадонларга иссиқлик қуввати етказиб бериш тўхтатиб қўйилса, бутун уйдаги иситиш тизими бузилади. Худди шу сабаб бугунги кунда пойтахт аҳолисининг коммунал хизматлардан қарзининг анча қисми — 23 миллиард сўмдан ошиғи айнан иссиқлик қуввати ва иссиқ сувдандир.

— Ташкилотимиздан қарздорларга нисбатан ижрога йўналтирилган суд ҳужжатларининг ўтган йилдан қолдиғи йил бошида 14 миллиард сўмни ташкил этди. Шу йилнинг биринчи чорагида суд ижрочилари томонидан ижродаги ҳужжатлардаги миқдорнинг ўн фоизи ундирилди, холос — «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳуқуқий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Даврон Нуриддиновнинг гапларидан суд қарорлари ижросидан норозиликни илғаб олиш қийин эмас.

У суд ижрочилари ўзларига берилган ваколатдан тўла фойдалана олмаётганликлари, ижрони иш ҳақи, молмулкка йўналтирмаётганликлари, ижро муддатини асоссиз равишда чўзиб юборaётганликларини таъкидлайди.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида эса коммунал хизмат ташкилотларининг ўз мижозларини судга бераётганида ҳужжатларни палапартиш тайёрлаётганлари, бу эътиборсизлик туфайли суд қарори чиққандан кейин ҳам айрим ҳолларда манзилдаги ёки жавобгарларнинг исми шарифидаги ноаниқликлар туфайли ижронинг имкони бўлмай, қайтаришга мажбур бўлаётганликлари ҳақида куюниб гапиришди. Натижада ижро департаменти бўйнидаги ижро қилинмаган қарорлар ҳажми ошаверади.

Суд ижрочилари яна бир ҳолатга дуч келишади. Истеъмолчилар тегишли хизматнинг сифати паст эканлиги ёки умуман йўқлигини, шунинг учун ҳақ тўламаётганлигини айтиб қолишади. Афсуски, бу ҳақиқат бўлса ҳам, ижрони тўхтатиб қўйиш учун асос бўла олмайди. Истеъмолчи белгиланган қоидалар асосида хизмат кўрсатувчи ташкилот олдида, лозим бўлса судда хизмат сифати паст эканини исботлаб бериши, ноқонуний тўловнинг зиммасига юклатилиши олдини олиши керак бўлади.

«Чилонзор олти» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоси Зинаида Саюрова шундай қилди. Ёлғиз пенсионернинг қайта-қайта мурожаатларига қарамай ширкат онахоннинг хонадонига томдан сув тошаётганига эътибор қилмаган. Навбатдаги сув тошишидан кейин кекса аёлнинг саломатлиги кескин ёмонлашди. Зинаида Ивановна судга мурожаат қилди. Суд унинг хонадонига етказилган 391 минг 891 сўм моддий ва соғлиғини йўқотиш оқибатида кўрилган 3 миллион сўм маънавий зарарни ширкатдан ундириб бериш ҳақидаги даъвосини қаноатлантирди.

— Бундай низоли масалаларни ҳал қилишда ширкат аъзолари орасидаги муносабат бирмунча мураккаброқ, — дейди Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари уюшмаси бош муҳандиси Раиса Ли. — Бошқа ҳолларда хизмат кўрсатувчи ташкилот мижозни ёки аксинча мижоз хизмат кўрсатувчини судга беради. Ширкатда эса ширкат аъзоси бир-бири билан, қўшни қўшни билан низолашиши керак. Аслида, ширкат бошқарувини ҳам ширкат аъзоларининг ўзи сайлайди-ку! Ширкат аъзоларининг ўз ҳуқуқларини билмасликлари ёки ўз мажбуриятларини бажармасликлари норозиликларга сабаб бўлади. Бу борада олиб бораётган тушунтириш ишларимиз, семинарларимиз ўз самарасини бераяпти, албатта. Бир неча йил олдин ширкат аъзолари бизга «Томимиздан чакка ўтяпти, тузатиб беринг» қабилида мурожаатлар билан келган бўлсалар, ҳозир уларнинг мазмуни бирмунча ўзгарган — бирон муаммони бартараф этишда йўл-йўриқ сўрашади. Аммо барибир, айрим кишилар онгидаги боқимандалик кайфияти бор. Кўп қаватли уйнинг эгаси ўзлари эканлигини ҳали тўла англаб етмаганлар, кимдир келиб чакка ўтаётган томни ёки йўлакни таъмирлаб, ободонлаштириб беришини кутадиганлар орамизда учраб турибди.

Раиса Алексеевнанинг боқимандалик ҳақидаги фикрларини эшитиб, қўшнимиз Адҳам отанинг соддагина гаплари ёдимга тушди. Бир куни газ таъминоти идорасидан келган назоратчи айрим қўшниларимиздан тўловни ундира олмаётганидан куюнади. Шунда маҳалла фаоли бўлмиш отахонимиз ўша қўшнининг эшигига назоратчи билан бирга келди, озгина насиҳат қилди.

— Ҳовлингда саккиз хона бор, биламан, — деди Адҳам ота. — Энди ҳисобла, шу хоналарни кўмир ёки ўтин билан иситаман десанг, бир қишда неча пуллик ёқилғи керак бўлади?..

Ҳисоблаб чиқишди — қиш бўйи ёқилган газнинг ҳақи ўша ўтин-кўмир пулининг ўндан бир қисмини ҳам ташкил қилмас экан. Бунинг устига ёқилғи излаш, уни олиб келиш, ҳар куни печкага ўтин қалаш ташвиши, дуд-қурум...

Ҳозир бир гугурт чақсанг бас, овқатинг, чойинг тайёр...

Кўпни кўрган кекса отахоннинг гапидан хижолат бўлиб, қўшнимиз ўзини оқламоқчи бўлди:

— Хабарингиз бор, қиз узатдим, қўлим анча юпқалашиб қолувди. Сал кейинроқ тўлайман деб ўйлагандим...

— Қизиқсан-а, тузуккина устасан, эшик-дераза ясаб, бозорда сотасан, шу пайтгача насияга берганингни эшитмадим. Газ идорасидагилар ҳам сенга ўзининг хизматини сотяпти-да...

Отахонимизнинг гапи қўшнимизга яхшигина таъсир қилганини газ назоратчиси кейинчалик айтиб берди.

Турли коммунал хизмат назоратчиларининг кузатишларидан келиб чиққан хулосани ҳам мақоламиз якунида келтиришни жоиз топдик. Уларнинг айтишича, нафақадаги кексалар энг яхши тўловчилар экан — қарзларининг ошишидан қўрқибми ёки вақтлари бемалоллигиданми, ишқилиб, турли хизматлар ҳақини ой сайин тўлаб боришаркан.

Биз эса... Гоҳ тўй қиламиз, гоҳ машина оламиз, уй қурамиз... коммунал хизмат ҳақига келганда эса маблағимиз ҳам, вақтимиз ҳам етмай қолаверади... Шу тариқа ёпиқ ҳалқа вужудга келади: хизмат ҳақи вақтида ундирилмагандан кейин таъминотчининг ишида ҳам айрим муаммолар келиб чиқиши, бу хизмат сифатига таъсир этиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан қаердадир батартиб истеъмолчи озор чекаётгани ҳам бор гап. Ёпиқ ҳалқанинг учини эса топиб бўлмайди. Бизнинг ҳолатда эса бор — ўзимиз. Ҳалқа учида ўз ҳуқуқини билган, онгли, инсофли тўловчи, мижоз ва истеъмолчи турса, муаммога ўрин қолмайди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шеър — кўнгил мулки. Юракдан яратилган шеър юракка етиб боради, дейдилар. Яхши қўшиқ учун, аввало, яхши шеър керак. Яхши шеър жозибали куйга солинса, мукаммал қўшиққа айланади. Қарордан кўзланган мақсад ҳам халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук ва мукаммал қўшиқлар яратишдан иборатдир. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтказиш учун халқимизнинг атоқли шоирлари, маданият ва санъат намояндалари, бастакорлар, маънавият тарғиботчилари, жамоат ташкилотлари, ижодий бирлашмалар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари жалб этилган.

Сирожиддин САЙЙИД:

ЮРАКДАН ЯРАТИЛГАН АСАР ЮРАККА ЕТИБ БОРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ижодий танловда профессионал, ҳаваскорлик бадиий жамоалари, ансамбллар ва якка ижрочилар, шунингдек, мактаблар, олий таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари, ҳарбий қисмларнинг жамоалари, иштирок этишни истаган барча ҳамюртларимиз қатнашиши мумкин. Кўрик-танловда қатнашиш учун шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлигида яратилган Ватан, истиқлол, миллий ўзликни англаш мавзуидаги янги қўшиқлар, мусиқий асарлар қабул қилинади. Бу эса матни ҳам, куйи ҳам айрим ижрочиларнинг ўзлари томонидан «яратилиб», шеърият талабларига мутлақо жавоб бермайдиган сўзлар жамланмасининг қўшиққа айланиши билан боғлиқ муаммога барҳам беришга хизмат қилади. Ватан — муқаддас туйғу. Уни мадҳ этувчи қўшиқлар ҳам ҳар қандай саёзликдан, юзакиликдан ҳоли бўлмоғи даркор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида давлатимиз раҳбарининг мазкур қароридан келиб чиққан ҳолда тегишли вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Назмда ҳам, мусиқа ва ижрочилик санъатида ҳам халқимиз бой ва бетакрор улкан бадиий-ижодий меросга, бебаҳо анъаналарга эга. Шундай маънавий хазинанинг вориси бўлган адибларимиз бугунги кунда ҳам ўша юксакликни йўқотмаслиги керак. Барчамиз учун энг азиз ва муқаддас Ватан ҳақида қўшиқ яратаётганда ижодкорларимиз жараёнга айни шу мезонлар асосида ёндашсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

✱ Қарор ва ижро

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши мамлакат ривожи, қишлоқларимиз тараққиёти билан узвий боғлиқ эканлигини яна бир намоён этди. Ана шундай кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга ошириш механизми сифатида Давлат дастури қабул қилинди.

Дастурга асосан ҳар бир давлат ташкилоти, муассаса ва идораларга жорий йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, уни амалга ошириш механизми, кутилаётган натижалар аниқ белгилаб берилди.

Мазкур давлат Дастури ҳамда шу асосда Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тармоқ дастурига асосан ҳисобот даври давомида Тошкент вилояти ФҲДЁ органлари томонидан қишлоқ жойларидаги 6 та ёш оилаларнинг никоҳлари сайёр тартибда (бепул) ўтказилиши таъминланди.

Давлат дастурига кўра, қишлоқ жойларида маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган мини технологияларни олиб келиш, янги иш ўринлари яратиш ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу жараёнларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида Адлия бошқармаси томонидан чора-тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, вилоятда янги иш ўринлари яратиш, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминланиш аҳволи таҳлил этилиб, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, вилоят марказий банк бош бошқармаси ҳамда тижорат банкларига келгусида бу соҳадаги ишларини янада жонлаштириш юзасидан 11 та кўрсатма хатлари, шунингдек, Дастур ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўяётган тижорат банклари раҳбарларига 8 та огоҳномалар киритилди.

Қишлоқ жойларида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, малакали юридик ёрдам кўрсатиш адлия идораларининг олдига қўйган энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада Адлия бошқармасига 321 фуқаролардан турли масалаларда келиб тушган шикоят ва аризалар кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этиш чоралари кўрилди.

Юқори Чирчиқ туманида яшовчи фуқаро В.Каримованинг туман газ филиали томонидан ишдан ноқонуний бўшатилганлиги хусусида ёзган аризаси ўрганиб чиқилганда, аризада кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топди. Яъни туман газ филиали томонидан Меҳнат кодекси талаблари қўпол равишда бузилиб, фуқаро В.Каримова ишдан ноқонуний равишда бўшатилганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасига тақдимнома киритилди. Тақдимномага асосан «Юқоричирчиқтумангаз» филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи Р.Ёқубовга «ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўлланиб, фуқаро В.Каримовани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилинган ҳамда унга мажбурий прогул вақти учун ходимнинг ўртача иш ҳақи ҳисобида ҳақ тўлаб берилиб, ўз лавозимига тикланган.

Меҳнат лаёқатини йўқотган ёки кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш асосида айрим давлат тузилмалари фаолиятида баъзи қонунбузарликлар ва қамчиликлар мавжудлиги аниқланмоқда.

Жумладан, Ангрен шаҳрида яшовчи фуқаро В.Маслованинг муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашда муаммолар мавжудлиги хусусида ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тақдим этилган ҳужжатлар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси махсус комиссиясида кўриб чиқилиб, 2008 йил 15 декабрда фуқарога муддатидан олдин пенсия тайинлаш мумкинлиги тўғрисида хулоса берган. Бироқ, Ангрен шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан бу масала белгиланган муддатларда қонуний ҳал этилмаган. Ушбу ҳолат бўйича Адлия бошқармаси томонидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасига тақдимнома киритилиб, фуқаро В.Масловага 2009 йил апрель ойидан муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинланди. Ангрен шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг қонунбузилишларга йўл қўйган 2 нафар ходими эса интизомий жавобгарликка тортилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, айниқса, қишлоқ жойларида яшовчи фуқароларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш борасида ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш адлия органларининг муҳим вазифаларидан бири саналади. Қолаверса, бу Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардан биридир.

Салоҳиддин САТТОРОВ,
Тошкент вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари.

✱ Шукроналик

БУГУНГИ КУНЛАР ҚАДРИ

Таҳририятимизга Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чинор қишлоғида истиқомат қилаётган Тоҳир Қобилов кириб келди. Отахон қишлоқда мустақиллик йиллари ва юз берган ҳайрли ишлар, ободончилик, ўзгаришлар, янгиликлар, ижобий ишлар ҳақида гапириб бермоқчилигини билдирди.

— Қишлоғимизнинг бугунги ҳусни-жамолини бундан йигирма йиллар аввалги манзара билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Илгарилари мактаб деганда пастқам, тор, кўримсизгина бир бинони тушунардик. Бугун эса замонавий, кенг ва ёруғ, файзли, улуғ бир даргоҳ кўз олдимизга келади. Сўзим исботини қишлоғимизда бунёд этилган янги 17-мактаб мисолида кўришингиз мумкин. Бугун менинг набираларим ушбу масканда таълим-тарбия олишмоқда.

Эсимда, бир пайтлар қишлоқда биттагина эски «Победа» русумли машина бўларди. Ҳар замонда ўнқир-чўнқир кўчалардан чайқалиб ўтиб турарди. Бугун кенг, равон йўлларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган «Нексия», «Матиз», «Дамас» русумли автоуловларни бошқараётган ёшларимизни кўриб кўзим қувонади.

Яқинда бунёд этилган қишлоқ врачлик пунктини айтмайсизми? Бу ерда малакали шифокорлар халқимиз хизматида.

Беихтиёр яна ўтмиш ёдга тушади.

Барча соҳаларда муаммолар тўлиб тошганди. Ер колхозларга тегишли бўлиб, деҳқонлар эртадан кечгача қора терга ботиб, бири икки бўлмай меҳнат қиларди. Бугун эса деҳқон фермер, ўз ерига эга. Катта-катта даромад олаяпти.

Ўша машъум даврда ҳатто ўз уйимизни чиройлироқ қилиб қуришга ҳам кўрқардик. Салгина кўзга кўринадиган уй қурганлар минг балога гирифтор қилинарди. Сўроқ бошланарди. Қишлоғимизда бирорта салобатли бино топилмас эди. Онгимизга қир-адирлардаги яккам-дуккам хонадонларга қишлоқ деб қараш ўрнашиб қолганди. Хуллас, тараққиёт, ривожланиш каби тушунчалар бу жойлардан анча наридан ўтарди. Буларни кўрганингда эса дилда оғриқ пайдо бўларди. Худога шукр, ўша кунлар бугун хотирага айланиб қолди. Истиқлол туфайли қишлоғимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Бир нарсага қувонаман, бунёдкорлик ишлари нафақат бизнинг, балки республикамизнинг чекка-чекка қишлоқларигача етиб борди.

Ҳозир қишлоғимизда 2315 киши истиқомат қилади. Барча оила ўзига тўқ. Ўзига тинч. Бирон нарса керак бўлса, шу ернинг ўзидан топилади. Бешта хусусий дўкон аҳоли хизматида. Шу кунларда қишлоқдошимиз Нодирбек ҳалол меҳнати эвазига янги савдо маркази қурмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларга ҳомийлик қилиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат тушунчаларини ёшларимизга ҳам англатиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Кексаларимиздан 300 нафари пенсияларини ўз вақтида олиб туришибди.

Энг муҳими, истиқлол сабаб эътиқод эркинлигига эришдик. Ҳаж зиёратларига кенг йўл очилди. Биргина бизнинг мўъжазгина қишлоғимиздан уч нафар меҳнат фахрийси ҳаж зиёратини тўла-тўкис адо этиб қайтишди.

Жуда оғир кунларни кўрдик. Инсон қадр-қиммати бир пул бўлган замонларда яшадик. Хайриятки, истиқлолга эришиб қийинчиликлар, машаққатлар ортда қолди. Беихтиёр шу кунларга етганингдан ич-ичингдан қувонасан, ўзингни бахтли ҳис қиласан. Бу кунларга етмаганлар бор. Шу кунларга етганимга, тинчлик хотиржамликда фарзандларим, набираларим роҳатини кўраётганимга шукр қиламан. Илоҳим юртимизни турли балоқазолардан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

✧✧✧

Ҳали ҳаммаси олдинда. Тоҳир ота каби юртдошларимизнинг чексиз шукронасидан юртимиз неъматлари янада зиёда бўлади, албатта. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошланган ўзига хос хайрли ишлар эса қишлоқларимиз ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиз.

Абдусалим МАҲМУДОВ

✓ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОДАМЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

Мамлакатимизда ҳар бир йилнинг муайян соҳага қаратилиши ўзига хос анъанага айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб аталиши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш, янги иш ўринларини яратиш асосий вазифалар сифатида белгиланган. Зеро, бу борада Кува туманида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилаяпти. Туман Фарғона вилоятининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, умумий майдони 440 квадрат километрни ташкил этади, 200572 нафар аҳоли яшайди.

Туманда учта йирик саноат корхонаси — «Қувадонмаҳсулотлари», «Кува пахтани қайта ишлаш» акциядорлик жамияти, «Кува Текстил» МЧЖ фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқараётган ун ва нон маҳсулотлари, пахта толаси ва калавалари нафақат туман ёки вилоят, шунингдек, республика аҳолисининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Бинобарин, Кува туманида ҳозирда 2568 та кичик бизнес субъекти мавжуд.

Айни пайтда туманда Туркия, АҚШ, Италия, Россия, Қирғизистон билан ҳамкорликда бешта қўшма корхона фаолият кўрсатаётир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш учун йил давомида 8 миллиард 13 миллион сўм маблағ сарфланиши белгиланган бўлиб, шундан 47 миллион 500 минг сўми ҳомийлар томонидан ёрдам сифатида кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда ишчи ўринларини яратиш мақсадида тумандаги тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришга 85,0 миллион сўм, чорвачиликни ривожлантиришга 55,0 миллион сўм, техника сотиб олишга 204,8 миллион сўм, истеъмол кредити учун 78,0 миллион сўм ажратилди.

— Юртнинг энг катта бойлиги бу халқнинг саломатлигидир, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Неъматжон Маҳмудов. — Фаровонликни инсон ўз меҳнати, ақл-заковати билан яратади. Бунинг учун эса соғлом вужуд, соғлом ақл талаб этилиши табиий. Шу боис туманимиз аҳолисининг саломатлигини асраб-авайлаш биз — шифокорларга катта масъулият юклайди.

Шу ўринда яна фактларга мурожаат этамиз. Ҳозир Кува туманида 7 та шифохона, 27 та амбулатория-поликлиника, 19 та қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) фаолият кўрсатмоқда. Икки юз минг нафардан ошиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий тиббиёт жиҳозлари, асбоб-ускуналари билан бирга, малакали мутахассислар талаб этилади. Бу борада туман тиббиёт бирлашмасида кейинги йилларда сезиларли ўзгаришларни амалга оширди.

Бирламчи тиббиёт муассасаларида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида ташкил этилган. Туман аҳолиси доимий равишда тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Барча тиббиёт муассасаларида лаборатория ва функционал ташхис аппаратлари мавжуд ҳамда улардан самарали фойдаланилмоқда.

ҚВП замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Шу боис олисда жойлашган қишлоқ аҳолисининг туман марказидаги шифохонага қатнашига ҳожат йўқ. ҚВПларга туман марказий шифохонаси бош мутахассислари томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошираяпти.

Маълумки, тиббиётда янги илмий-амалий натижалар, ташхис қўйиш, муолажа қилиш борасида янги технологиялар яратилмоқда. Шифокорлар уни ўзлаштириши учун муттасил ўз билимларини ошириб туришлари талаб этилади. Шу сабабли туман тиббиёт бирлашмасига қарашли барча ходимлар махсус малака ошириш курсларида ўқиб, амалиёт ўтаб боради.

Туман тиббиёт бирлашмасининг аҳоли билан алоқаси фақат хасталикни даволаш эмас, шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ташкилий-услубий ёрдам ташкил қилиш, касалликнинг юзага келиши, унинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ҳам амалга оширилмоқда.

— Саломатлигимиз посбони шифокорлар, ҳамшираларимизга имкон қадар кўмаклашяпмиз, — дейди Кува туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси раиси Матлуба Тешабоева. — Уларнинг маданий дам олишларини таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, умумхалқ байрамларини нишонлаш, анъанавий тус олган «Саломатлик» спартакиадасини ўтказиш, ходимларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни биринчи галдаги вазифамиз деб биламиз. Туман халқ банки томонидан бир гуруҳ ходимларимизнинг фарзандлари номига «Мустақил ҳаёт», «Фарзанд келажаги» номли омонат дафтарчалари очилиб, уларнинг ҳар бирига 15 минг сўмдан маблағ қўйилди.

Зеро, аҳоли саломатлиги жамиятнинг бойлиги, соғлом инсон тараққиётнинг бош омили ҳисобланади. Аслида, фаровонлик ҳам саломатликдан бошланади.

Хуршид ДАМИНОВ,
журналист.



ҲАРБИЙ БАТАЛЬОНДАГИ ҒАЛАЁН
бостирилди

Грузия Ички ишлар вазирлиги мамлакатда қуролли давлат тўнтаришига тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида республика президентини хабардор қилган эди. Шундан сўнг Мухрованидаги бронетанк батальони мамлакат Мудофаа вазирлигига бўйсунмаслигини эълон қилди ва ғалаён кўтарди. Бир неча соатдан сўнг эса исён бостирилди, дея хабар берди «Новости-Грузия» АА.

Айни дамда ушбу факт юзасидан жиноий иш қўзғатилган. Бу ҳақда Ички ишлар вазири Вано Мерабишвили президентга маълум қилди. Унинг айтишича, ғалаён иштирокчиларининг айримлари қўлга олинган, баъзилари эса яширинишга улгурган. Улар вертолётлар ёрдамида қидирилмоқда.

Президент М. Саакашвили эса ғалаён ташкилотчиларини топиш ва қаттиқ жазолаш, бу бошқаларга ва ғалаёнчиларнинг хориждаги ҳомийларига сабоқ бўлишини айтди.

ИИВ маълумотларига қараганда, айрим юқори лавозимдаги ва собиқ ҳарбий корчалонлар ушбу ғалаёнга ташкилотчилик қилишган. Шунингдек, Грузия маъмурияти бу воқеликларда Россиянинг ҳам қўли борлигини айтмоқда. Аммо расмий Москва бу каби айбловларни мутлақо инкор этмоқда.

ҚАМОҚХОНА НАЗОРАТЧИЛАРИ
норозилиги

Францияда қамоқхоналар назоратчиларининг норозилиги давом этмоқда. Мамлакатдаги 194 та қамоқхонадан 79 тасида бундай норозилик намойишлари қайд этилган. Улар маошлар оширилишини ва штатлар бирлиги қисқартирилиши тўхатилишини талаб қилмоқдалар. Намойиш иштирокчиларининг айтишларича, қамоқхоналарда шароитнинг оғирлиги маҳбуслар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ортишига олиб келмоқда.

«AFP» АА хабар беришича, Париж ва Корсикадаги қамоқхоналар назоратчилари ҳатто қамоқхонага кириш йўлакларини тўсиб қўйдилар. Аммо махсус хизмат ходимлари кўздан ёш оқизувчи газ қўллаб, намойишчиларни тарқатиб юборди ва қамоқхоналар олдини «баррикада»лардан тозалади.

Сантадаги намойиш ҳам шу йўсинда бостирилди. Аммо барча назоратчилар ҳали ўз иш жойларига қайтмади.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАРДА
иштирок этмайди

6 майдан 11 июнгача Грузияда давом этадиган НАТО ва ҳамкорларининг «Cooperative Longbow» ва «Cooperative Lancer» ҳарбий машқларида Арманистон ва Сербия қатнашмаслигини билдирди. Шундай қилиб, ушбу ҳарбий машқларда иштирок этишни рад қилганлар сони 6 тага етди. Улар: Латвия, Эстония, Қозоғистон, Сербия, Молдова ва Арманистон.

«Интерфакс» АА маълум қилишича, дастлаб НАТО бу машқларда 19 та мамлакат қатнашишини билдирганди. Айни дамда эса 13 та қолди. Булар: Албания, Босния ва Герцоговина, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Венгрия, Греция, Испания, Канада, Македония, Озарбойжон, Туркия, Хорватия ва Чехия.

ЧЎКИБ БОРАЁТГАН ОРОЛЛАР
аҳолига сотилади

Индонезия ҳукумати глобал иқлим ўзгариши натижасида денгиз сатҳининг кўтарилаётгани боис аста сувга ғарқ бўлиб бораётган майда ороллар аҳолисини сақлаб қолиш учун уларга ўз оролларини сотиш масаласини кўриб чиқишни мўлжаллаб турибди. Бу масала Индонезия президенти Сусило Бамбанг Юдҳойононинг айрим мутахассислар билан маслаҳатлашувидан сўнг ойдинлашади.

Бу ҳақда «The Jakarta Post» нашри хабар чоп этди.

Маълумки, Индонезия таркибида 18 мингта орол бор. Уларнинг айримларида минг нафарга ҳам етиб-етмаган аҳоли яшайди.

Кейинги юз йилда сувга чўкиш эҳтимоли Мальдив оролларида яққол намоён бўлмоқда. Мальдив оролларининг кўпгина қисми денгиз сатҳидан атиги 1,5 метргина баландда жойлашган. Оролларнинг энг баланд жойи эса 2,5 метрни ташкил этади холос. Шунинг учун ҳам Мальдив маъмурияти ўз аҳолисини хавфсиз жойларга астасекин кўчириш учун ороллар сотиб олишини ўтган йили эълон қилган. Ўшанда Ҳиндистон, Шри-Ланка ва Австралия ҳам ўз оролларини сотишини билдирган эди.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2005 йилда Турсунов Шоҳрух Рустамович номига берилган КК№274268 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Эҳтиром

ОМОН БЎЛИНГ, ФАХРИЙЛАР!

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва миллий матбуотимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийларини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Марказ томон оҳиста қадам ташлаб келаётган ҳар бир фахрий Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси вакиллари томонидан ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинди, уларга гуллар тақдим этилди. Бу эътибордан фахрийларнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Тадбир бошида уларнинг шарафли ҳаёт ва ижод йўли ҳурмат билан тилга олинганда, ҳар бир фахрийнинг юзидан нур ёғилди.

— Сиз дунёда тинчликни сақлаш учун, мамлакатимиз тараққиёти учун катта ҳисса қўшдингиз, — деди Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси Фахрий журналистлар кенгаши раиси Мақсуд Қориев. — Шукур, мана шундай фаровон кунларга етиб келдик. Истиқлол туфайли юртимиз янада гуллаб-яшнаяпти. Азизларим, юртимизнинг бундан ҳам обод кунларини кўриш учун ҳам омон бўлинглар.

— Энди нима иш қилсам экан, деган кишиларга ҳайрон қоламан, — деди уруш ва меҳнат фахрийси Геннадий Скопцов. — Нафақага чиққанимга йигирма уч йил бўлганига қарамай ҳамон тинмай ижод қиламан. Юртимизнинг ҳар бир муваффақияти менинг ютуғим, Орол денгизи муаммоси менинг ташвишим. Биз ҳамон ижод машаққати, завқи билан яшаяпмиз.

— Бу учрашувга таклиф этилган кундан ҳаяжон билан яшай бошлаймиз, — деди меҳнат фахрийси Фарида Усмонова. — Чунки, бу ерда ўттиз-қирқ йил бирга ишлаган ҳамкасбларимизни учратамиз. Биз фахрийларга мана шундай учрашув қувончини бахш этган ижодий ташкилотларимизга ташаккур. Айни кучқувватга тўлган вақтда ёзолмаган роман, қиссаларимни Истиқлол шарофати туфайли ёздим, эълон қилдим. Мен барчангизга ижод қилиш бахти билан бирга саломатлик тилайман. Келгуси шу кунларда ҳам қатордан хато бўлмасдан юз кўришиш барчамизга насиб этсин.

Қизғин давра суҳбати байрам дастурхони атрофида ҳам давом этди. Тадбир сўнггида ташкилотчилар фахрийларга эсдалик совғалар тақдим қилишди.

Йўлда қайтар эканман, учрашув чоғида кўп бор айтилган сўзлар қулоғим тагида жаранглади: *«Дунёда тинчликни сақлаш учун жанг қилдингиз, юртимизни обод ва фаровон бўлиши учун заҳмат чекдингиз, энди Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаётганини кўриш учун ҳам омон бўлинг, азиз фахрийлар!»*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Тадбир

«ЁДИМИЗДАН ЧИҚМАС БОЛАЛИГИМИЗ»

Иккинчи жаҳон уруши даврида ота-онасидан айрилган ёки яқинларини йўқотган 250 мингдан зиёд бола Тошкентдан бошпана топган, ўзбек халқи меҳри билан вояга етган. Уруш даҳшатларини ўз кўзлари билан кўрган бу болалар бир умрга ўша йилларни «ёдимиздан чиқмас болалигимиз» дея эслашади.

Ана шундай кишилардан бири бастакор Станислав Мансуров — Ковригенко билан Республика болалар кутубхонасида ижодий учрашув ўтказилди.

Тадбирда бастакор урушнинг оғир йиллари, ўзи тарбия топган Тошкентдаги 20-иқтидорли болалар интернати ва болалар уйларида вояга етган таниқли кишилар тўғрисида гапириб берди. Хонандалар бастакор куйи асосида қўшиқлар ижро этишди, уруш йилларида ота-онасиз қолган болаларнинг ўзбек заминида меҳр-мурувват кўрганига бағишланган ҳужжатли фильмдан лавҳалар ва болалар уйлари тарбияланувчилари ҳаёти акс этган суратлар намойиш этилди.

— Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, болалар уйлари тарбияланувчилари билан учрашганман, — деди Станислав Петрович. — Сизларнинг уруш даврида Ўзбекистонга тушганингиз бахтингиз, дейишади улар ҳавас билан. Дарҳақиқат, ўзбеклардек болажон халқни ҳеч жойда кўрмадим.

Бу маърифий учрашув уруш даҳшатларини яна бир карра англашда, тинчфаровон ҳаётимиз қадрига етишимизда ибрат вазифасини ўтади. Айниқса, учрашув 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида чуқур таассурот қолдирди. Ишончимиз комил, бу Меҳрибонлик уйидан ҳам келажакда таниқли инсонлар етишиб чиқади.

Асрор МЎМИН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13111 nusxada bosildi
4 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

Мулоҳаза

МАКТАБ СПОРТ ЗАЛИ

ёки улардан фойдаланишнинг бугунги аҳволи ҳақида

Биламизки, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда спортни, шу жумладан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда унинг оммавийлигини таъминлаш бўйича кўп ишлар қилинаяпти. Хусусан, кейинги йилларда умумтаълим мактаблари учун янги бинолар қуриш, борларини таъмирлаш, реконструкция қилиш баробарида бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий спорт заллари ҳам барпо этилаяптики, кўрган кишининг ҳаваси келади.

— Вилоятимизда 549 та умумтаълим мактаблари бўлиб, шулардан 280 тасининг қошида замонавий спорт заллари мавжуд, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Холмирза Носиров. — Охирги беш йил ичида 111 та янги спорт зали қурилди, 11 тасида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Юз марта эшитгандан бир бора кўрган афзал, деганларидек, мактаблардаги спорт заллари, жиҳозлар, улардан фойдаланишнинг бугунги аҳволи билан яқиндан танишиш ниятида Мирзачўл туманидаги 20-мактабда бўлдик. Ўтган йили 299 миллион сўмга реконструкция қилинган мактаб биноси ва янгидан қурилган салобатли спорт залида бўлганимизда кўнглимиз фахр ва ғурурга тўлди. Ахир, биз болалигимизда бундай спорт залларини кўрмагандик. Кўриш қаёқда, ҳатто орзу ҳам қилмагандик. Спорт машғулотлари мактаб яқинидаги ялангликда чанг-тўзон кўтариб тўп тепишдан нарига ўтмасди. Ихтиёрларига шундай ажойиб спорт иншоотлар бериб қўйилган бугуннинг бахтли болаларига, фарзандларимизга ҳавас қилсанг арзийди. Шундай ўй-хаёллар оғушида бўлиб, спорт залининг полида сув қўллаб ётгани ва бу ердаги мавжуд жиҳозларнинг усти чанг билан қопланганини ҳам сезмай қолибмиз.

— Кеча бизда қаттиқ шамол ва жала бўлганди, — вазиятни юмшатмоқчи бўлди ҳамроҳимиз, жисмоний тарбия ўқитувчиси Улуғбек Пўлатов. — Шунга бир-иккита шифер синиб, томдан сув ўтибди ва дераза ойнасидан чанг-тўзон кирибди-да...

Тумандаги бошқа бир илм даргоҳи — 13-мактабда ҳам янгидан қурилган, яхшигина спорт зали мавжуд экан. Лекин ундаги спорт тўгараклари ишини талаб даражасида дейиш қийин. Спорт жиҳозлари ҳар жойда ётибди.

— Спортнинг каратэ турини ёқтираман, — дейди 7-синф ўқувчиси Тўхтамурод Тўхтасинов. — Ўрганадиган тўгарак, ўргатадиган устоз бўлса қанийди.

Касбимизга хос қизиқувчанлик сабаб бўлдими, ҳар тугул, шу куни анча муддат спорт залини айланиб юрдик. Лекин на тушликка қадар, на тушликдан кейин бу ерга шуғулланиш учун келадиганлар бўлмади. Каттагина зал кун бўйи деярли бўш турди. Савол туғилади: миллион-миллион сўмлаб маблағ сарфлангани ҳолда чекка-чекка қишлоқларимизда барча қулайликларга эга замонавий спорт заллари савлат учун қурилганми?

— Бундан кўзда тутилган мақсад аввало, жойларда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни камол топтиришдир, — дейди жиззахлик бокс бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Лазизбек Зокиров. — Афсуски, айрим ҳолатларда бу оддий ҳақиқатни тушуниб етиш, уни рўёбга чиқариш бўйича қилинаётган ишларни ҳали талаб даражасида, деб айтиш қийин. Баъзан қишлоқларимиздаги спорт залларининг эшигига кун бўйи қулф осиғлик бўлади. Аслида бундай спорт иншоотларидан нафақат мактаб ўқувчилари, балки қишлоқ ёшлари, қолаверса, катта ёшли фуқаролари ҳам мақсадли ва унумли фойдалансалар қандай соз бўларди.

Нима, қишлоқларимизда спортга ҳавасманд, унинг қайсидир тури бўйича иқтидорли болалар йўқми? Бугун уларнинг қизиқишлари қўллаб-қувватланса, катта ёшдагилар, устоз-мураббийлар томонидан йўл-йўриқлар кўрсатилса, истеъдодлари тарбиялаб борилса, эртага уларнинг орасидан жаҳон ареналарида юртимиз шаънини муносиб даражада ҳимоя қиладиган умидли спортчилар етишиб чиқиши шубҳасиз.

Тўғри, қишлоқ мактабларидаги спорт залларининг ҳаммасида аҳвол шу, манзара бир хил деб айтиш фикридан йироқмиз. Шундай спорт заллари ҳам борки, улар аллақачон болаларнинг севимли жойига айланиб улгурган. Куннинг исталган пайтида қараманг, бу иншоотлар ўғил-қизлар, ёш-яланглар билан гавжум бўлади. Устозлар ва мураббийларнинг спортнинг гоҳ у, гоҳ бу тури бўйича ўтаётган мусобақалар, беллашувлар, тўгарак машғулотларидан қўллари бўшамайди. Яхшиямки, бундай спорт заллари вилоятда кўпчиликни ташкил қилади. Афсуски, онда-сонда бўлса-да, юқорида биз тилга олиб ўтган мактабларидаги сингари мутасаддиларнинг лоқайдлиги туфайли қуруқ савлатга айланиб қолаётган спорт иншоотлар ҳам йўқ эмас.

Спорт — саломатлик, ғўзаллик, нафосат ва эпчиллик гарови. Соғлом танада соғлом фикр, соғлом ақл бўлади, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир саналади. Бўш вақтларини спорт билан шуғулланишга бағишлаган ёшлар онгида ёт ғоялар, зарарли қарашларга ўрин қолмайди. Шундай экан, қишлоқ мактабларидаги мавжуд спорт залларидан, уларда яратилган имкониятлардан ўринли ва унумли фойдаланиш, бундай иншоотларни шу ҳудудда спортнинг оммалашувига хизмат қилдириш ҳақида ўйлаш бугун ҳаммамизнинг, айниқса, халқ таълими мутасаддилари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, оқсоқоллар, мураббий-устозларнинг биринчи навбатдаги вазифамизга айланиши зарур. Ахир, бу ўринда гап, нафақат спорт заллари, улардаги жиҳозлардан мақсадли фойдаланиш, балки эртанги кунимизнинг эгалари — фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, баркамол, соғлом бўлиб ўсиб-улғайишлари ҳақида кетаяпти!

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Хотира ва қадрлаш куни яқинлашган сари жойларда мазкур санага бағишланган тадбирлар кўплаб ўтказилмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги Хотира майдонига борган киши бу ерда мамлакатимизнинг узоқ туманлари, олис қишлоқларидан келган уруш ва меҳнат фахрийларини учратиши тайин.

— «Нуроний» жамғармаси Жиззах вилоят бўлими фаолларининг саъй-ҳаракати билан ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида ушбу майдондаги Она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўямиз, жанговарда ҳалок бўлган дўстларимизни ёдга оламиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қобил Қўшбоқов.

— Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар рўйхати билан танишар эканмиз, улар орасида яқин қариндошларимиз, танишларимизнинг исм-шарифларини кўриб кўнглимиз таскин топгандай бўлди, — дейди Бекобод тумани «Найман» маҳалласидан келган меҳнат фахрийси Ҳадича Бўрибекова.

• • •

Республика «Нуроний» жамғармаси томонидан 9 май арафасида фахрийлар иштирокида турли учрашувлар ва байрам кечалари ўтказиш анъана тусини олган. Шундай тадбирлардан бири куни кеча Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда «Фаровон» ресторанида бўлиб ўтди. Байрам дастурхони, куй ва қўшиқлар, сафдошлар билан учрашув фахрийлар учун чинакам байрамга айланди.

Даврани кириш сўзи билан очган Республика «Нуроний» жамғармаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин Боқибоев йиғилганларни Хотира ва қадрлаш куни билан муборакбод этди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, меҳнат фахрийси Маматхон Тешабоев, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар давра иштирокчиларини самимий қутладилар.

— Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши бизга жуда катта қувонч бағишлайди, — дейди «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят Зангиота туман бўлими раиси Мирза Аҳмедов. – Ҳар куни, ҳар дақиқада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан биз фахрийларга кўрсатилаётган эътибор ва эъзозни сезиб турамиз. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин. Фарзандларимиз, набираларимиз уруш нима эканлигини билмай улғайсин. Бугунги фаровон кунлар қадрига етишсин.

Маҳмуд ТОИРОВ

СПОРТ

Дэвис кубоги:

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ

8-10 май кунлари Наманганда ги «Паҳлавон» спорт мажмуида теннис бўйича Дэвис кубоги баҳсларининг навбатдаги босқич учрашувлари бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз теннис усталари Япония терма жамоасига қарши кортга чиқади.

Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳида баҳс юритаётган ушбу жамоалар бунгача Дэвис кубоги учрашувлари доирасида икки маротаба ўзаро рўбарў келишган. Дастлаб 1997 йилда Тошкентда ўтган баҳсларда умумжамоа ҳисобида (2:3) устун келган кунчиқар юрт вакиллари орадан икки йил ўтиб, Фукуокеда худди шу ҳисобда ҳамюртларимизга имкониятни бой беришган эди. Орадан ўн йил ўтиб, Ўзбекистон ва Япония теннисчилари яна Дэвис кубоги мусобақаларида ўзаро куч синашадиган бўлди.

«Паҳлавон» теннис кортларида уч кун давом этадиган баҳсларда Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов ҳамда Важа Узоқовлар юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Японияликлар ҳам энг сара таркиб билан Наманганга ташриф буюриши кутилмоқда. Жумладан, кунчиқар юрт вакиллари таркибидан Татсума Ито, Юичи Сугита, Сатоши Ивабучи ҳамда Такао Сузуки сингари моҳир ракеткачилар жой олган.

Эслатиб ўтамиз, ушбу жуфтлик ғолиби шу йилнинг 18-20 сентябрида бўладиган Дэвис кубоги Жаҳон лигаси «плей-офф» баҳсларига йўлланмани қўлга киритади.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

«БУНЁДКОР»НИНГ КУТИЛМАГАН МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Ўтган йилги мусобақада бир-биридан чиройли ғалабалари билан кўпчиликни ҳайратлантирган Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари бу мавсумда мухлисларни ранжитмоқда.

«Д» гуруҳида тўп сураётган мазкур жамоа охирги турда Даммамда «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) жамоаси меҳмони бўлди. Таркибида Ривалдо, Жаоа Виктор, Рамос сингари бразилиялик футболчилар тўп суришига қарамай, «Бунёдкор» жамоаси ўз дарвозасидан жавобсиз тўртта тўп олиб чиқди — 4:0. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида эса «Ал-Шабаб» (Бирлашган Араб Амирликлари) вакиллари «Сепахон» (Эрон) футболчиларини енгди — 2:1. Энди ҳамюртларимизнинг кейинги босқичга чиқишлари учун 19 майда Тошкентда «Ал-Шабаб» жамоаси билан бўладиган ўйинда дуранг натижа ҳам қаноатлантиради.

ОФК кубоги баҳсларининг «А» гуруҳида қатнашаётган «Нефтчи» футболчилари Фарғонада «Ал-Аҳад» (Ливан) жамоасидан устун келди — 2:1. Бу ғалаба фарғоналикларнинг кейинги босқич йўлланмаси учун курашни давом эттириш имкониятларини сақлаб қолди.

Кеча эса Осиё чемпионлар лигасининг «А» гуруҳида иштирок этаётган «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида БААнинг «Ал-Аҳли» футболчиларини қабул қилди — 2:0. Тўпларни Зайниддин Тожиев ҳамда Александр Гейнрихлар киритди.

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши туман партия кенгаши раиси ўринбосари Яшин Аҳмедовга опаси **Сайёра АҲМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши «MILK AGRO» МЧЖ раҳбари, партия фаоли Равшанбек Йўлдошевга онаси **САЛТАНАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.